1931
TDIU
TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI





# MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

## ILMIY ELEKTRON JURNALI

№3





ISSN: 2181-3965
VOLUME 5
TOSHKENT 2026

## “MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR” ILMIY ELEKTRON JURNALI TAHRIRIYAT KENGASHI RAISI

**To‘lqin Zakirovich Teshabayev** – tahririyat kengashi raisi. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

## TAHRIRIYAT KENGASHI

**Mehmonov Sultonali Umaraliyevich –** Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O‘quv ishlari bo‘yicha birinchi prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Abdurahmanova Gulnora Qalandarovna** - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Ilmiy ishlar va innovaцuyalar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Karimova Komila Daniyarovna** - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Yoshlar masalalari va ma’naviy-marifiy ishlar bo‘yicha birinchi prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

**Xudoyqulov Sadirdin Karimovich** - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Hududiy ta’lim masalalari va markazlar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Sindarov Sherzod Egamberdiyevich –** Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Infratuzilmalarni rivojlantirish va iqtisod ishlari bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

**Saparov Aktam Jo‘rayevich** – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori

**Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich –** iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Pardayev Abdunabi Xoliqovich –** iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Kuziyev Islomjon Ne’matovich** – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Baymuratov Tursunbay Maxkambayevich** – iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor

**Omonov Akrom Abdinazarovich** – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Sharipov Qongratbay Avezimbetovich** – texnika fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri

**Jumayev Nodir Xosiyatovich** – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi deputati

**Haydarov Nizomiddin Hamroyevich –** iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Raviprakash G. Dani** – Xalqaro ta’lim konsultanti, professor (AQSH)

**Bagautdinova Nailya Gumerovna** – Qozon federal universiteti Boshqaruv, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

**Sharifzoda Mu’min Mashokir** – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

**Maley Elena Borisovna** – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)

**Asif Mahbub Karim** – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

**Piter Xayk** – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo'yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

**Yavuz Demirel** – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)

**Jo'rayev Abdug'affor Safarovich** – Termez agrotexnologiyalar va Innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Ismanov Ibroxim Nabiyevich** – Farg'ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Xayriddinov Azamat Botirovich** – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti prorektori iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent

**Tashnazarov Samiddin Nizamovich** – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Nurmanov Ulug'bek Anorbayevich -** Bank-moliya akademiyasi "Buxgalteriya hisobi va audit" kafedrasi professori, iqtisodiyot fanlari doktori

**Yakubova Nargiz Tursunbayevna** – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

**Mamatov Baxadir Safaraliyevich –** iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Qiyosov Sherzod Uralovich –** iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Urazaliyev Kamoliddin Tajikulovich –** iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

**JURNAL TAHRIRIYATI**

**Saparov Aktam Jo'rayevich** – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent

**Avlokulov Anvar Ziyadullayevich** – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Aliqulov Mehmonali Salohiddin o'g'li** – mas'ul muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

**Buxorova Moxira Samandarovna** – muharrir

***O'zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 364-son qarori bilan "Moliyaviy texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiyalari yuzasidan assosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.***

"**Moliyaviy texnologiyalar**" ilmiy elektron jurnali
23.11.2022-yildan
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan **№R-566966** reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan.
Litsenziya raqami: **№049864**

MUNDARIJA


| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Шаисламова Наргиза Кабиловна | Тижорат банклари рискларини баҳолашда стресс-тест усулидан самарали фойдаланиш | 7 |
| 2. | Ashurova Nargiza Chori qizi | O‘zbekiston turizm xizmatlari bozorida gastronomik turizmni rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari | 19 |
| 3. | Mamatqulov Avazbek Axmadaliyevich | Oliy ta’lim muassasalarida ichki audit tizimini raqamlashtirish mexanizimini takomillashtirish | 24 |
| 4. | Sobirov Otabek Olimjonovich | Boshqaruv hisobini tashkil etishning konseptual asoslari | 36 |
| 5. | Rustamov Maqsud Suvonqulovich, Boqiyeva Zuhra Soxibjon qizi | Iqlim o‘zgarishining iqtisodiyotga ta’siri | 41 |
| 6. | Xalimov Shaxboz Xalimovich | Qishloq joylarida turizm xizmatlarini rivojlantirishning xorij tajribalari | 48 |
| 7. | Kenjayev Ikrom Ergashboyevich | Hududlarda investitsiya mexanizmlarini takomillashtirishning institutsional va moliyaviy omillari | 53 |
| 8. | Rustamov Maqsud Suvonqulovich, Normatov Muslimbek No’rbo’ta o’g‘li | Kredit riski | 60 |
| 9. | Курбонов Саид Акбарович | АҚШ федерал резерв тизими (ФРТ) ва унинг иқтисодиётга таъсири | 67 |
| 10. | Bekmurodova Feruza Azamat kizi, Kadambaeva Charos Masharip kizi | Economic cooperation practices and development trends in Middle Eastern countries | 73 |
| 11. | Mardonova Malika Asatilloyevna | Xavfsiz turizm tushunchasining nazariy-uslubiy asoslari | 80 |
| 12. | Alimov Baxodir Batirovich | Rivojlangan sug‘urta kompaniyalarining moliyaviy holati va samaradorlik ko‘rsatkichlari tahlili | 85 |
| 13. | Narziyev Abror Baxtiyorovich | Moliyaviy bozorlardagi volatillik dinamikasining GARCH modellari asosida empirik tahlili | 95 |
| 14. | Xoldorova Kamola Jamoliddin qizi, Murodova Dilnoza Choriyevna | O‘zbekistonda tijorat banklarini transformatsiya qilishning dolzarb masalalari | 106 |
| 15. | Юсупов Бехзод Юсуп угли | Финтех-ориентированная модель комплексной оценки кредитоспособности корпоративных клиентов и её влияние на эффективность банковских решений | 112 |
| 16. | Ташбаева Рано Гайбуллаевна, Ташбаев Улугбек Ванситович | Цифровая оценка конкурентоспособности предприятий HoReCa на основе Open Data и онлайн-платформ (на примере г. Ташкента) | 120 |
| 17. | Баракаев Отабек Отақулович | Ўзбекистонда аудиторлик хизматлар бозорининг 2020-2025 йилларга таҳлили ва уни такомиллаштириш йўналишлари | 127 |
| 18. | Muradov Botir Xayat | Yevropa iqtisodiyotining yashil transformatsiyasida iqlim o‘zgarishi bilan bog‘liq fizik va moliyaviy risklar tahlili | 140 |
| 19. | Isroiljonov Murodil Qosimjon ugli | Household Consumption, Imports, and Gross Capital Formation in Uzbekistan: Evidence from an ARDL Model | 148 |
| 20. | Чориева Нигина Қахрамановна | Классик иқтисолий назариялар асосида тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиигини ошириш хусусиятлари | 155 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 21. | Chintemirova Diyora Shuxrat qizi | Hududlar kesimida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining rivojlanish tendensiyalari | 160 |
| 22. | Artikov Ne'matulla Abdusalamovich | Soliqli daromadlar oshishida sheringning iqtisodiy imkoniyatlari | 166 |
| 23. | Кузиева Динора Баходировна | Узоқ муддатли активларни баҳолаш тартибини такомиллаштириш | 173 |
| 24. | Умарова Гулзодахон Қодирбековна | Кичик бизнесни муқобил молиялаштиришнинг илғор хорижий тажрибалари | 181 |
| 25. | Murtozayeva Zarnigor Komol qizi | Tashabbusli budjet mablag'larini ijtimoiy ehtiyojlar asosida manzilli taqsimlash mexanizmlarini takomillashtirish | 187 |
| 26. | Baytanov O'ralboy Miraqul o'g'li | Sanoat korxonalarida mahsulot sifatini boshqarishning zamonaviy metodologik yondashuvlari | 193 |
| 27. | Mardonov Akromjon Nusrat ogli | The impact of fiscal policy on the national economy | 201 |
| 28. | Ostonaqulov Dilshod Ismatilla o'g'li | O'zbekiston respublikasining aholi hayot sifati va iqtisodiy o'sish o'rtasidagi bog'liqlikni statistik baholash | 206 |
| 29. | Babaxanova Nozima Saidakbarovna | Milliy fond bozorida aksiyalarni ommaviy joylashtirish mexanizmlarini transformatsiya qilish yo'llari | 213 |
| 30. | Tilabov Nasrulla Tashmuratovich | O'zbekistonda davlat qarz portfelini risk-diagnostika asosida boshqarish metodologiyasini takomillashtirish | 220 |
| 31. | Rahmonova Durdona Hasan kizi | Effective management of investment opportunities and regional economic diversification: evidence from the kashkadarya region | 226 |
| 32. | Xamdamov Omonullo Ne'matullayevich | Kapital bozoridan moliyaviy resurslar jalb qilishning xalqaro amaliyot tajribalari | 233 |
| 33. | Achilov Dilshod Marufovich | Innovatsion faoliyatning moliyaviy ta'minot manbalari va ularni samarali boshqarish yo'llari | 244 |
| 34. | Baratova Zumrat Xalmetjanovna | Innovatsion faoliyat bilan bog'liq moliyaviy risklarni boshqarish | 253 |
| 35. | Mavlyanova Yulduzxon Turg'unovna | Moliyaviy resurslarni samarali boshqarishda ERP (Enterprise Resource Planning) mexanizmidan foydalanish istiqbollari | 261 |
| 36. | Ishniyazov Otabek Baxodirovich | Bank faoliyatida risklarning turlari, ularni samarali boshqarish | 268 |
| 37. | Baxriddinov Kamoliddin Baxriddin o'g'li | Aksiyadorlik jamiyatlarida investitsiyaviy qaror qabul qilish amaliyotining tahlili | 275 |
| 38. | Qudratova Feruza Nasriddinovna | Financing decisions and value creation in an emerging economy: Evidence from the capital structure of Uzauto Motors | 283 |
| 39. | Xasanov Komil Mutalibjanovich | Chiqindilarni boshqarishda yevropa ittifoqi tajribasi va uni o'zbekiston sharoitida qo'llash | 591 |
| 40. | Orzukulova Zumrad Abdukhalik kizi, Azimova Nozimakhon Alisher kizi | Strategic brand management: review of keller's brand equity model and Aaker's brand identity system | 297 |
| 41. | Ollokulova Feruza Mansurovna | Davlat xususiy sheriklik rivojlanishining xorij tajribasi va undan O'zbekiston amaliyotida foydalanish imkoniyatlari | 302 |
| 42. | Umurzakova Dildora Sultonmaxmudovna | Raqamli iqtisodiyot sharoitida ayollar bandligiga doir muammolarning asosiy yo'nalishlari | 310 |
| 43. | Jo'rayeva Zarifa Bahodir qizi | Tijorat banklarida kredit xizmatlari amaliyotining dolzarb masalalari | 317 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 44. | Tureev Azizbek Abatovich | Qoraqalpog‘iston Respublikasida mevachilik tarmog‘ini klasterlashning iqtisodiy samaradorligini baholash | 324 |
| 45. | Mirzataev Salamat Muratbaevich | Ekologik muammolar sharoitida qishloq xo‘jaligi barqarorligini ta’minlashda smart texnologiyalardan foydalanishning ilmiy-uslubiy asoslari | 329 |
| 46. | Komekova Gulzira Sharbaevna | Raqamlashtirilgan logistika tizimlari asosida sabzavotchilik mahsulotlari bozorining samaradorligini oshirish yo‘llari | 335 |
| 47. | Qidirniyazov Ajiniyaz Sherniyazovich | Qoraqalpog‘iston Respublikasida qurilish sohasining rivojlanish holati va sun’iy intelkt asosida xizmat kursatishni rivojlantirish istiqbollari | 340 |
| 48. | Розиков Жалил Жалолович | Вопросы реформирование бухгалтерского учета в сельком хозяйстве | 346 |
| 49. | Karimov Eminjon Gapardjonovich | Sanoat korxonalarida moliyaviy tahlil axborot tizimini takomillashtirish masalalari | 351 |
| 50. | Toshev Nurbek Janon o‘g‘li | Qashqadaryo viloyatida turizm samaradorligi indeksi (TEI) asosida mintaqaviy turizm rivojlanishi dinamikasini baholash | 359 |
| 51. | Kurbonova Malika Akhmad kizi | Comprehensive methodology for assessing the effectiveness of digital economy technology implementation in regional economic development | 365 |
| 52. | Isakova Naima Ikromjonovna | Xizmat ko‘rsatish korxonalarida turizmni rivojlantirish uchun strategik marketing dasturini ishlab chiqish va uni takomillashtirish yo‘llari | 371 |
| 53. | Sultanova Nigora Xikmatxo’ja qizi | Xarajatlar hisobida ABC va BSC tizimlari integrativ tahlili | 377 |
| 54. | Muminova Parvina Ilhom qizi | Bank majburiyatlari hisobi va ichki auditini takomillashtirish | 383 |
| 55. | Abduraxmonova Munisa, Alimov Ulug‘bek Baxodirovich | Raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmat ko‘rsatish korxonalarida biznesni rivojlantirish tamoyillari va bosqichlari | 389 |
| 56. | Axmedov Shoymurod Azamat o‘g‘li | Tijorat banklarida investitsiya loyihalarini moliyalashtirish samaradorligini takomillashtirish yo‘llari | 395 |
| 57. | Xamdamov Shavkat Komilovich | Aholini ijtimoiy himoyalash moliyaviy mexanizmi samaradorligini baholashning nazariy-metodologik asoslari | 402 |
| 58. | Ruziyev G‘anisher Usarovich | Soliqlar vositasida tadbirkorlikni rivojlantirish va bandlikni ta’minlash orqali daromadlarni oshirish hamda kambag‘allikni qisqartirish masalalari | 411 |
| 59. | Atamuratova Gulrux Muzafarovna | Kichik biznes tizimlarining iqtisodiy mohiyati va ularni modellashtirish bo‘yicha zamonaviy xorij tajribasi | 419 |
| 60. | Mirzayeva Charos G’ayrat qizi | Savdo va xorijiy investitsiyalarning iqtisodiy o‘sishdagi o‘rni: Janubiy Koreya va O‘zbekiston misolida qiyosiy ekonometrik tahlil | 424 |
| 61. | Toshpulatov Davron Akromovich | Islom moliyasida risklarni boshqarish | 437 |
| 62. | Amir Xudaykulov | Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga muvofiq EBITda indikatorini hisobga olishning o‘ziga xos xususiyatlari | 451 |
| 63. | Тожибоева Дилором | Иқтисодий фикрлаш тарзи ва унинг қарор қабул қилиш назариясида тутган ўрни | 459 |

# ИҚТИСОДИЙ ФИКРЛАШ ТАРЗИ ВА УНИНГ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ НАЗАРИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

**Тожибоева Дилором**

*иқтисодиёт фанлари доктори*
*иқтисодиёт назарияси кафедраси профессори*
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*
*E-mail: dtojiboeva@mail.ru*
*ORCID: 0000-0002-5257-4706*

***Аннотация.*** *Мақолада барча қарорлар афзал кўриш, индивид учун самарали танловни амалга ошириш асосида қабул қилиниши, улар орасида иқтисодий қарорлар қабул қилиш муҳим роль ўйнаши, қабул қилинган қарорларнинг натижасини кўз ўнгига келтира олиш учун унинг мазмун моҳиятини англаш зарурлиги, яъни иқтисодий фикрлаш тарзи (ИФТ) ни шакллантириш билан боғлиқ масалалар ҳамда бу ҳақда классик, неоклассик ва бихевиориал назарияларнинг умумий жиҳатлари ва фарқлари кўриб чиқилади.*

***Калит сўзлар:*** *иқтисодий фикрлаш тарзи, иқтисодий фанлар, мазмун моҳиятини англаш, танлов, танловинг муқобил қиймати, қарор қабул қилиш, мотивация, бихевиоризм.*

# ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ОБРАЗ МЫШЛЕНИЯ И ЕГО МЕСТО В ТЕОРИЯХ ПРИНЯТИЯ РЕШЕНИЙ

**Таджибаева Дилором**

*доктор экономических наук*
*профессор кафедры экономическая теория*
*Ташкентский государственный*
*экономический университет*
*E-mail: dtojiboeva@mail.ru*
*ORCID: 0000-0002-5257-4706*

***Аннотация.*** *«В статье рассматриваются теоретические основы принятия решений на основе индивидуальных предпочтений, где ключевая роль отводится экономическому выбору. Анализируются процессы формирования экономического образа мышления (ЭОМ) и осознания сути решений для прогнозирования их результатов. Кроме того, проводится сравнительный анализ классического, неоклассического и бихевиорального подходов к принятию экономических решений».*

***Ключевые слова:*** *экономический образ мышления, экономические науки, осмысление сущности и содержания, выбор, альтернативная стоимость выбора, принятие решений, мотивация, бихевиоризм.*

# THE ECONOMIC WAY OF THINKING AND ITS PLACE IN DECISION-MAKING THEORIES

**Tajibaeva Dilorom**

*doctor of economic sciences*
*Professor of the Department*
*of Economic Theory*
*Tashkent State University of Economics*
*E-mail: dtojiboeva@mail.ru*

ORCID: 0000-0002-5257-4706

***Abstract.*** *The article examines the theoretical foundations of preference-based decision-making, with a primary focus on economic choice. It analyzes the development of economic thinking and the importance of understanding the core of economic decisions for predicting their outcomes. Furthermore, the paper provides a comparative analysis of classical, neoclassical, and behavioral approaches to economic decision-making.*

***Keywords:*** *economic thinking, economics, choice, opportunity cost, decision-making, motivation, behaviorism, preference-based decisions.*

## Кириш

Маълумки, аҳолининг фаровонлигини оширишнинг асосий йўли ЯИМнинг барқарор ўсишини таъминлашдир. Ресурслар чекланган шароитда барча диққат аллокатив самарадорликни оширишга қаратилади. Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун эса маълумот йиғиш, ҳисоб-китоб, таҳлил қилиш орқали олинган ахборотларни қарорга айлантириш зарур.

Ҳозирги иқтисодий ва ижтимоий-маданий тараққиётnинг кўлами ва хилма-хиллиги кенгайиб бораётган, молиявий-иқтисодий, ижтимоий, техник ва ташкилий алоқалар мураккаблашиб бораётган, ўзгаришлар тезлашуви юз бераётган шароитда қарор қабул қилишнинг бир томондан аҳамияти ортиб бормоқда; иккинчи томондан оқилона қарор қабул қилиш тобора қийинлашиб бормоқда.

**Иқтисодий нуқтаи назардан қарор** – бу ресурслар чекланганини ҳисобга олган ҳолда нафлилик, фойдани максималлаштириш ва харажатларни минималлаштиришга қаратилган танловдир. Шахс учун эҳтиёж хоҳиш, истак, қизиқиш, интилиш тарзида рўёбга чиқади. Эҳтиёжни ҳис қилиш – хоҳлаш, интилиш уни қондиришга уринишдир. Маълумки, **бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз – бу қарор қабул қилишнинг оқибатидир.** Қарорни эса танлов, турли вариантларни муқобил қийматини таққослаш асосида қабул қиламиз.

**Танловнинг муқобил қиймати** нимани ифодалайди? деган савол туғилади. Танловнинг муқобил қиймати деб, танлов натижасида воз кечилган имкониятлар ичидан танловчи учун энг катта наф келтирувчи ёки қадрланувчи имкониятга айтилади. Танлаш – бу афзал кўришдир. Бунинг учун эса бир турдаги товар ва хизматларни таққослаш ва таҳлил қилиш зарур. Таққосдаш ва таҳлилни эса иқтисодий ва бошқа кўрсаткичлар орқали амалга оширамиз ва бундай билим ва малакага иқтисодий фанларни ўрганиш орқали эришамиз.

Иқтисодий фанлар олинган маълумотлар асосида қарор қабул қилишга ўргатиб, иқтисодий тафаккур тарзини чуқур тушунишни талаб қилиб, уни объектив равишда асосий аҳамиятга эга бўлган биринчи даражали вазифага айлантиради.

Иқтисодиёт – бу инсон, унинг танлаш ва қарор қабул қилиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган мотивацияси, хатти-ҳаракатлари, уринишлари ҳақидаги фан. Иқтисодиёт инсоннинг ҳам индивидуал, ҳам бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларидаги мотивацияси, хатти-ҳаракатларини, шунингдек, ушбу ўзаро муносабатларни тартибга солувчи институтларни тавсифлаш билан шуғулланади. Иқтисодчиларнинг асосий вазифаси танловни амалга ошираётган инсоннинг мотивацияси, хатти-ҳаракатлари сабабини тушунти-риш, қандай танлов қилишини илмий тахмин қилиш ва унга таъсир кўрсатишни ўрганишдир.

## Адабиётлар шарҳи

Сиэтл университети профессори, ўзининг иқтисодий фикрлаш тарзи - таҳлил кириш курси (The Economic Way of Thinking) билан дунёга танилган Пол Хейненинг китоби ҳозирга қадар иқтисодиётнинг машҳур курсларидан ҳисобланади. У энг оммабоп курслардан бўлиб, нафақат талабалар, балки кенг китобхонлар аудиториясига мўлжалланган. Муаллиф китобни ёзишдан миллионлаб одамлар, ҳаттоки бегоналар ўртасида қандай қилиб мослашувчанликка, уйғунликка, бирдамликка эришилиши, шу

билан бирга нима сабабдан доимо унга эришиб бўлмаслигини, агар жамиятни бошқараётганлар бундай билимга эга бўлмасалар хаос ва мушкул ҳолатлар юз беришининг хавфи катта эканлигини англаб етишга ёрдам берадиган тушунтириш аппаратини йўлга қўйишни мақсад қилиб қўйганини таъкидлайди ва бунга эришади [1].

Г. Беккернинг фундаментал ишлари уни замонамизнинг классик тадқиқот-чисига айлантирди. Улар анъанавий иқтисодий қарашлардан тубдан фарқ қилиб, барча саъй-ҳаракатлар, танловни нобозор муносабатларга ҳам тааллуқли эканлигини исботлаб берди. Жумладан, таълим, оила, фарзанд кўриш, хайрия, сиёсий фаолият, модага эргашиш, ҳаттоки жиноят содир этганда ҳам одамлар рационал танловни амалга оширишларини кўрсатди. Унинг фикрича инсоннинг ҳар қандай саъй-ҳаракатини, танловини иқтисодий нуқтаи назардан ёндашган ҳолда назарий жиҳатдан тушунтириш мумкин. Уни англаш учун иқтисодий ёндашув энг самарали асос яратади [2].

Иқтисодий тафаккурни шакллантиришга бағишланган мақолалар турлича. Уларни тадқиқ этишда ўрганилган манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: тафаккур шаклланишини, шу жумладан иқтисодий фикрлаш тарзини (ИФТ) ни таҳлил қилишга бағишланган мақолалар; ИФТ асосида танлов ва қарор қабул қилишни амалга ошириш билан боғлиқ омиллар устунлик қиладиган мақолалар.

Л. А. Богунов ўз мақоласида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардош-лиги билан унинг фуқароларининг иқтисодий тафаккури самарадорлиги ўртасидаги боғланишини тадқиқ этади [3]. А .А. Деленян асари таниқли олим Роберт Хайлбронернинг рус тилига таржима қилинган ("Файласуфлар бу дунёдан" «Философы от мира сего»[60] The Worldly Philosophers) китобига шарҳ сифатида қурилган. Китобда бозор иқтисодиётининг ривожланиш босқичлари кўрсатилиб, шу масала бўйича тадқиқотчиларнинг ишлари таҳлил қилинган. Муаллиф таъкидлаганидек, мазкур масалада иқтисодиёт фанига бўлган қизиқиш ва таҳлил жараёнининг жумбоқлари асосий ҳисобланади [4]. Н. П. Канинанинг фикрича, бўлажак мутахассисларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш зарур. Уни қўлламасдан замонавий иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш ва ўзгарувчан шароитларга тез мослашиш мумкин емас [5]. Ж. А. Уварованинг таъкидлашича, шахснинг ижтимоийлашувига иқтисодий тафаккурнинг таъсири катта [6].

Биз Г. Е. Третьяк, Н. В. Гуремина, М. В. Цыпленкова, А. А. Султанова, А. Н. Лаптеноклaрнинг иқтисодий тафаккур одамларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари билан бевосита боғлиқ, деган фикрларига қўшиламиз. Англаб етилган эҳтиёжлар ва манфаатлар мақсадга йўналтирилган иқтисодий фаолиятнинг асосий сабабчилари ва рағбатлантирувчилари бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг бутун мажмуасига сингиб кетади. Улар иқтисодий тафаккурнинг, унинг таркибий элементларининг амал қилишини тақозо этади. Иқтисодий тафаккур, билиш, инсонни ўраб турган оламни, ўз борлиғини маънавий ўзлаштириш, воқеа ва ҳаракатларни прогноз қилиш, янги ғояларни яратиш, уни амалга ошириш йўлларини излаш шаклларидан бири сифатида намоён бўлади, уни амалга ошириш йўлларини излашга йўналтиради [7].

Институционал иқтисодиётнинг асосчиси сифатида тан олинган Т. Веблен танлов ҳам харажатларни талаб қилиши ва айрим пайтда улар жуда катта миқдорда бўлиши мумкинлигини асослаб берди. 100 йил аввал у учта шундай қоидани очиб берган ва улар кейинчалик статистик ва эконометрик тадқиқотларда ҳам тасдиқланган ва **“Веблен эффекти (самараси)”** деб ном олган. Булар: “Намойишкорона” истеъмол (Бунда неъматларнинг энг қиммати танланади)”; “Кўпчиликка қўшилиш (Кўпчилик оляпти, демак яхши)”; “Бефарқлик феномени (билимингиз, фаросатингиз доирасида ҳеч ким сотиб олмаган нарсани сотиб оласиз)” бўлиб, улар танлов харажатларини камайтиришга, самарасини оширишга қаратилган [8].

---

[60] Бу машҳур метафора бўлиб, ғоялари жамиятнинг моддий, амалий тузилишини, яъни иқтисодиётни ўрганиш ва тушунтиришга қаратилган мутафаккирларни англатади.

Бизнинг фикримизча, А.В. Шмаковнинг қатор мақолалари ИФТни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Улар имкониятлар, танлаш қонуният-ларини ўрганишга бағишланган бўлиб, бу бизга одамларнинг ҳаракатлари ва ўзаро таъсирини тушуниш, натижаларини баҳолаш, шунингдек уларнинг танловига таъсир қилиш имконини беради. Иқтисодиёт танлов билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилиш имконини берувчи назария сифатида қаралади. Олим, шунингдек, иқтисодий фикрлаш тарзининг хусусиятларини ўрганишга тўхталар экан, кўзгу нейронларининг ишини ўрганишдан илмий мавҳумлик тамойилига ўтиб, инсоннинг хатти-ҳаракати ва бошқа тегишли масалаларни илмий тахмин қилишга имкон берадиган иқтисодий фикрлаш тарзининг ўзига хослигини кўрсатади. Одамларнинг рағбатлантиришга муносабатига унда компенсациянинг одамларнинг хатти-ҳаракатларига таъсири ва эхтиёт чораларини кўриш учун самарали рағбатлантиришни яратиш муаммоларига диққат қаратади. [9, 10, 11].

**Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотда назарий ва амалий методлар: индукция ва дедукция, илмий адабиётлар таҳлили, кузатиш методи, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган**.** Шунингдек, талабалар ва магистрантларнинг олинган маълумотларни таҳлил қилиш алгоритмини тушуниш жараёнини кузатиш усулидан фойдаланилди: уни иқтисодий кўрсаткичларда акс эттириш, реал ва гипотетик тенденцияларнинг хусусиятларини аниқлаш, реал ва фаразий тенденцияларнинг хусусиятларини аниқлаш, бажарилган топшириқлар натижалари асосида ўз қарорларини умумлаштиришдан фпйдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар**

Жамиятнинг олдига қўйган мақсадини амалга оширишда иқтисодий фанлар ўзига хос муҳим ўрин тутади. Айниқса, жуда кўп муаммоларнинг иқтисоди-ётга бориб тақалиши уларга алоҳида диққат қаратилиши, уларнинг сабабини аниқлаш, ечимини топиш ҳамда улар орасидан энг мақбули асосида қарор қабул қилишни ўрганишни заруриятга айлантиради.

Ресурсларни ишлатиш, истеъмол қилишда чекланганлик – танлаш ва қарор қабул қилиш заруратини юзага келтиради. Танлов рационал, қарор оптимал бўлиши учун инсон тинмай изланади, янги-янги ихтиролар қилади. Бундан ташқари, иқтисодиётдаги кўплаб муаммолар такрорланиб, бизни уларга алоҳида эътибор қаратишга, уларнинг пайдо бўлиш сабабини аниқлашга, танлашга ва энг мақбуллари асосида қарор қабул қилишни ўрганишга мажбур қилади.

Иқтисодий фанлар ўзининг моҳияти ва тўпланган тажрибасидан, иқтисодий ривожланиш қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти жараёнини турли жабҳаларда ташкил этишга таъсир етувчи омилларни ўрганувчи, иқтисодий тафаккур ва таҳлил асосида қарорлар қабул қилишни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган фанлардир.

Иқтисодиётни ўргатувчи, иқтисодий билим берувчи фанлар хилма хил. Улар бир томондан умумий жиҳатларга эга бўлса, иккинчи томондан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Уларнинг **умумий жиҳатларига** қуйидагиларни киритиш мумкин: Барча иқтисодий фанлар:

* **Иқтисодий қонунлар ва уларнинг амал қилишига таянади;**

*Иқтисодиётнинг бош муаммоси **ресурсларнинг чекланганлиги** шароитида **чексиз эхтиёжларни қондириш муаммоси** барча иқтисодий фанлар учун умумий;

* одамларнинг иқтисодий фикрлаш тарзига асосланган ҳолда **илмий тахмин-прогноз қилиш ва қарор қабул қилишга ўргатади;**

*Улар **иқтисодий,** айниқса, пул муносабатлари, **маблағлар ҳаракати** (уларнинг фарқларига эътибор берган ҳолда) ва унинг **натижасига** алоҳида диққат қаратади;

* Охир оқибат **самарадорликни оширишга қаратилган;**

* Барча иқтисодий фанлар олинган иқтисодий **ахборотлар, фактлар, рақамлар, статистик маълумотларни иқтисодий кўрсаткичлар тизимига айлантириш** асосида у ёки бу даражада **таққослаш, таҳлил қилиш, танлаш, баҳолаш, хулоса чиқаришга** ўргатади. Улар иқтисодий фикрлаш, тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган.

1-расм.

**Иқтисодий фанлар қарор қабул қилишга ўргатувчи фанлар***




*Муаллиф томонидан тузилган.

Иқтисодий фанлар фақатгина назарий эмас, амалий фанлар ҳамдир. Улар бевосита амалиётга таянади, аниқ маълумотлар, далиллар, рақамлар, ҳисоб-китобларга асосланади. Шунинг учун иқтисодий билимларни ўрганиш, иқтисодий тафаккурни шакллантириш, реал иқтисодий жараёнлар асосида амалга оширилади.

Одамларнинг танловида иқтисодий фикрлаш тарзи асосий роль ўйнайди. Танланган вариант айнан ана шу фикрлаш тарзидан келиб чиқади. Шунинг учун **барча иқтисодий фанлар талабаларга ана шу фикрлаш тарзига асосланган ҳолда илмий тахмин қилиш – прогнозлаш йўлларини** ўргатади.

Иқтисодиёт фанлари ўзининг моҳияти ва тўпланган тажрибасидан, иқтисодий ривожланиш қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти жараёнини турли жабҳаларда ташкил етишга таъсир етувчи омилларни ўрганувчи, иқтисодий тафаккур ва таҳлил асосида қарорлар қабул қилишни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган фанлардир.

Иқтисодиёт назарияси фундаментал фан бўлиб, бошқа иқтисодий фанларга илмий-услубий асос, иқтисодий жараёнларнинг ривожланишини олдиндан айтиш, прогноз қилиш асосий вазифаларидан бири эканлигидан келиб чиқиб, бу жараёнда марказий, етакчи роль ўйнайди.

Танлаш ва қарор қабул қилиш жараёнлари бир-бири билан чамбарчас боғланган, мазмун-моҳиятини тушунмай, инсонларнинг иқтисодий фикрлаш тарзини англаб етмай оқилона қарор қабул қилиб бўлмайди. Иқтисодчи олимлар олиб борган тадқиқотлари асосида буни алоҳида таъкидлашади. Масалан, Л.А.Богунов замонавий ахборот дунёсида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан фуқароларнинг иқтисодий тафаккур, иқтисодий фикрлаш тарзининг самарадорлиги билан белгиланади, дея таъкидлайди [3]. Биз бу фикрга қўшиламиз.

Бизнинг вазифамиз, а) *талабаларга ҳар бир қабул қилинган қарор инсонларнинг манфаатларига; б) фаолият юритиш мотивацияларига, иқтисодий муносабатларнинг ўзгаришига олиб келиши; в) қабул қилинган қарор натижаси қандай оқибатларга олиб келишини илмий тахмин қилиш, кўз ўнгига келтиришни ўргатишимиз зарур***.**

Иқтисодий фикрлаш тарзи – бу шунчаки назарий билим эмас, балки **инсоннинг кундалик ва профессионал ҳаётидаги "ҳар бир қадамига" воқеаларга, иқтисодий призма (манфаат, харажат, натижа) орқали қараш кўникмасидир**. Иқтисодий фикрлаш тарзи – бу танқидий, тизимли, креатив, ижодий ва мантиқий тафаккурнинг бир бутунлигини ифодалайди десак, хато бўлмайди, деб ўйлаймиз.

ИФТнинг маъносини тушунишда тизимли, мантиқий фикрлаш кўникмаларини эгаллаш муҳимдир. ИФТ нафақат тизимли фикрлашни талаб қилади, балки тизимли фикрлашга ҳам ўргатади. Шу нуктаи назардан, тизимли фикрлаш талабаларга муаммоларга аниқ ва масъулият билан қарашга ёрдам беришини таъкидловчи муаллифлар фикрини қўллаб-қувватлаймиз. Бунда фикрловчи талабаларнинг ўз фаолиятининг эҳтимолий оқибатларини англаб етиши жуда муҳимдир [12,13].

Ушбу тадқиқотларнинг барчаси талабалар ва магистрантлар учун ИФТни мазмун-моҳиятини – семантик тушуниш қанчалик муҳимлигини ва янги нарсаларни қўшиш қийинлигини кўрсатади. Одамларнинг фикрлаш тарзи маъносини тушунмасдан туриб, оқилона қарор қабул қилиш мумкин эмас.

**Иқтисодий фикрлаш тарзи –** бу кутилаётган иқтисодий ва ижтимоий натижанинг илмий тахминидан келиб чиқиб, одамларнинг билимлари ва иқтисодий **тафаккур** асосида оқилона қарорлар қабул қилиш қобилиятидир. Бунда одамларнинг хулқ-атвори ва танловига йўналтирилганлик, амалий тажриба ва олинган натижа учун жавобгарлик ушбу жараённинг ажралмас қисми бўлиши керак. Бу ерда ҳам мантиқий тафаккур алоҳида аҳамиятга эга.

**Инсонларнинг иқтисодий фикрлаш тарзи уларнинг танловида акс этади.** Бу борада иқтисодий фанлар ўзига хос ва муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, иқтисодиётдаги кўплаб муаммолар такрорланиб, бизни уларга алоҳида эътибор қаратишга, вужудга келиш сабабини аниқлашга, танлашга ва энг мақбуллари асосида қарор қабул қилишни ўрганишга мажбур қилади.

**ИФТ моҳиятини тушунишнинг ҳаётий зарурияти:**

**Биринчидан,** маълумки, ресурсларнинг чекланганлиги кишилик жамиятининг ривожланишида асосий рол ўйнайди. Ресурслар (вақт, маблағ, хомашё) доимо чекланган. Рационал қарор ушбу ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан энг юқори самара олишни таъминлашгв қаратилган.

Тарихан шундай шаклланганки, барча урушлар, турли тортишувлар ресурсларга эгалик қилиш ва уларни тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлашга қаратилган. Илм-фан тараққиёти эса бу муаммони **устун даражада зўравонлик йўли билан эмас, балки илмий ва амалий тадқиқотлар натижасида қилинган кашфиётларни қўллаш** ва эришилган ютуқларни татбиқ етиш орқали ҳал қилишга ўтди.

**Иккинчидан,** танлов ва унинг муқобил харажатлар билан боғлиқ эканлигига эътибор бериш зарурияти. Бўлажак мутахассис ҳар бир танлов ортида бой берилган бошқа бир имконият туришини англаши шарт. Битта лойиҳани танлаш — бошқасидан воз кечиш демакдир.

**Учинчидан,** ҳозирги вақтда **принципал-агент** муносабатларида манфаатлар тўқнашуви замонавий компаниялар ва ижтимоий соҳанинг энг муҳим муаммоларидан бирига айланди.

**Тўртинчидан,** талабаларнинг ИФТ моҳиятини тушунишнинг долзарблиги яна шундаки, **шахснинг ўзи учун қабул қилган қарори натижаси фақат унинг ўзига тегишли.** Мутахассис сифатида эса барча даражадаги амалий фаолиятни кўплаб давлат органлари: бошқармалар, муассасалар, идоралар ва мансабдор шахс, депутат сифатида қабул қилинган қарорлар, қонунларнинг натижаси жамоа, ташкилот, ҳудуд, хуллас микро даражадан макро даражагача кўпчиликнинг, қолаверса барча аҳолининг фаолиятига таъсир кўрсатади. Бизнес эса ИФТ билан янада чамбарчас боғлиқ. Шу боис, қарор қабул қилишда унинг натижаларининг қандай бўлишини прогноз қила билиш, иқтисодий қонуниятларни

биринчи ўринга қўйишни талаб этади.

**Бешинчидан,** бозор иқтисодиёти ноаниқлик йўлдош иқтисодиёт, доимий ўзгарувчан ва кутилмаган ҳодисаларга бой. Фақатгина рационал фикрлайдиган мутахассис кризис, ноаниқлик вазиятида корхона ёки давлат миқёсида тўғри стратегик қарор қабул қила олиши керак.

Инсонларнинг танловига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Уларни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: иқтисодий ва ноиқтисодий омиллар. Улар ҳам турли-туман. **Танловнинг муҳим томони шундаки, унинг шаклланиши нафақат иқтисодий, балки психологик, педагогик омиллар, менталитет-нинг бир бутунлигининг ифодасидир.** Биз диққатимизни танлаш ва афзал кўришда муҳим роль ўйновчи психологик омилларга ва уни тадқиқ этишдаги машҳур йўналишлардан бихевиоризмга қаратамиз.

Бихевиоризм – психологик-педагогик концепция бўлиб, инсонга технокра-тик тарбия бериш нуктаи назаридан ёндашади. У инсон ҳақидаги фандаги эришилган ютуқларга асосланиб, унинг манфаатлари, эҳтиёжлари, қобилияти, саъй-ҳаракати ва танловига таъсир етувчи омилларни тадқиқ етади ва бунда замонавий методлардан фойдаланади.

Классик бихевиоризмга таниқли америкалик философ ва психолог Ж.Уотсон асос солган. У инсоннинг саъй-ҳаракати, танлови, реакцияси стимулга, унинг руҳияти психологиясига таъсир қилишига, унда қандайдир ҳис-туйғулар уйғонишига, қўзғатилишига боғлиқлиги ҳақидаги қоидалар билан фанни асослади. Кейинчалик унинг фикрларини необихевиористлар Б.Ф.Скиннер, К.Халл, Е.Толмен, С.Прессии ва бошқалар давом эттириб, инсон саъй-ҳаракатлари, танловини мустаҳкамлаш ҳақидаги фикрлари билан бойитишди [12].

Педагогик-психологик йўналиш необихевеоризмнинг таълим-тарбияда қўлланиладиган бош ғоясига кўра инсонда маълум саъй-ҳаракат, танлов қуйидагича: «стимул - реакция - саъй-ҳаракатни мустахкамлаш» занжири кўринишини олади. Шундай қилиб, инсоннинг саъй-ҳаракати, танлови бу бошқариладиган жараён. У қўлланилаётган стимулларга, рағбатлантиришга боғлиқ бўлиб, ижобий жиҳатдан уни мустаҳкамлашни талаб қилади. Инсонни у ёки бу тарзда ҳаракат қилишга ундаш учун, яъни танлов, таълим-тарбияда кутилган натижага, самарага эришиш учун таъсирчан стимулларни танлаш ва уни тўғри қўллаш талаб қилинади [12].

Иқтисодий фаолият билан шуғулланар эканмиз, биз бошқа одамларнинг на эҳтиёжларини, на олаётган неъматларининг манбаини биламиз. Ўзимиз ҳам бошқа одамларнинг улар ҳақида ҳеч нима билмаган холда хизматларидан доимо фойдаланган ҳолда яшаймиз. Буларнинг ҳаммаси шу сабабли мумкин бўладики, инсонларнинг муайян белгиланган саъй-ҳаракат, танлови қоидаларига бўйсуниш туфайли гигант даражадаги институтлар ва анъаналар: иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий тизимига мос ҳолда жўр бўлиб, шу яхлитликнинг бир нуқтасига айланамиз.

XX асрнинг 60-70- йилларида иқтисодиёт, социология билан психология-нинг яқинлашуви туфайли инсонларнинг саъй-ҳаракатлари, хулқ-атвори, танловини тадқиқ этувчи янги қизиқарли фан йўналиши вужудга келди.

Иқтисодий фикрлаш тарзи (ИФТ) га ёндашишга қаратилган назарияларни классик, неоклассик ҳамда замонавий бихевиориал назарияларга ажратиш мумкин. Бу назарияларни иқтисодий тафаккур эволюциясининг уч босқичи сифатида қараш мумкин, бунда ҳар бир кейинги босқич олдингисини инкор қилмайди, балки унинг доирасини кенгайтириб боради.

Замонавий қарор қабул қилишда ҳар учала ёндашув бир вақтнинг ўзида мавжуд, аммо турли даражаларда: глобал давлат сиёсатини тузишдан тортиб, мобил иловаларни созлашгача қўлланилади.

Назарияларнинг умумийлиги шундаки, ҳар учала назария ҳам иқтисодиёт-нинг бир хил фундаментал саволларига жавоб беришга ҳаракат қилади:

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

1-концептуал жадвал.

**Классик, неоклассик ҳамда замонавий бихевиорал назарияларнинг умумий жиҳатлари***

| **Мезонлар** | **Мазмуни** |
|---|---|
| **ИФТ зарурияти** | Ресурсларнинг чекланганлиги уларни рационал тақсим-лаш ва танлашни объектив заруриятга айлантиради. |
| Танлов муаммоси: | Мақсадларга эришиш учун чекланган ресурсларни қандай тақсимлаш керак? |
| Самарадорликни излаш: | Ҳаракатлар минимал харажатлар билан максимал натижа беришини қандай таъминлаш мумкин? |
| Мотивация мантиғи: | Барча назариялар инсоннинг хатти-ҳаракатлари фойда олиш истаги, асосий эҳтиёжни қондириш ёки психологик туртки бўлишидан қатъи назар, сабабга (рағбатга) эга эканлигини тан олади. |
| Манфаатни кўзлаш | Одамлар фақат ўз манфаатлари ҳақида ўйлайдилар, аммо бу жамият ва адолат туйғуларининг намоён бўлишини, суиистеъмол қилишни, пул иллюзиясининг таъсирини, олдинги ривожланиш тарихини ва бошқа психологик омилларни истисно қилмайди. |

* Муаллиф томонидан тузилган.

Классик, неоклассик ҳамда замонавий бихевиориал назарияларнинг умумий жиҳатлари билан бирга қатор фарқ қилувчи жиҳатлари мавжуд.

2-концептуал жадвал.

**Классик, неоклассик, бихевиорал назарияларнинг асосий концептуал фарқлари**

| **Мезонлар:** | **Классик назария** | **Неоклассик назария** | **Бихевиорал (психологик) назария** |
|---|---|---|---|
| Мазмуни | Бойлик меҳнат билан ишлаб чиқариш соҳасида яратилади. Бозор мутлақо ўз-ўзини тар-тибга солади, давлат минимал даражада аралашиши керак (лаиссез-фаире тамойили). | Неоклассик иқтисодий назария классикларнинг ёндашувини туб-дан ўзгартириб, бойлик манбаи деб фақат меҳнатни эмас, балки барча ишлаб чиқариш омиллари синергияси туфайли яратилади. | Иқтисодиёт ва психологияни ўзаро боғлайди. У когнитив хато-лар ва ҳис-туйғулар сабабли одамлар аслида мукаммал мате-матик калькуляторлардек ҳара-кат қилмаслигини исботлайди. |
| Машҳур намоёндалари | Адам Смит, Давид Рикардо. Карл Маркс | Карл Менгер, Леон Вальрас, Альфред Маршалл. | Г. Саймон, Д. Канеман, А. Тверски, Р. Талер. |
| Таҳлилнинг бош объекти | Бозор ва ишлаб чиқариш (Халқлар бойлиги) | Нарх ва қиймат, қадрият (Бозор мувозанати) | Танлов психологияси (Инсон-нинг ҳақиқий саъй-ҳаракатлари) |
| Инсон | Иқтисодий одам (Homo econo-micus) фақат ўзининг эгоистик манфаатлари йўлида ҳаракат қилади. аммо бу "бозорнинг кўринмас қўли" унинг саъй-ҳаракатларини жамият фаро-вонлигига йўналтиради. Ахбо-рот нархлар орқали олинади. | Аввалгидек мутлақо оқилона, ўз фойдасини максималлаштиради, бозор ҳақида тўлиқ маълумотга ва мукаммал ўз-ўзини назорат қилишга эга. Маржинал нафлилик, рискларни мукаммал ҳисобга ола билади. | "чекланган рационаллик"ка эга. Инсоннинг вақт, ақл ва ахборот ресурслари чекланган. Импуль-сив қарорларга моил, шунингдек ахборотни қандай етказилишига қараб қарор қабул қилади ва узоқ муддатли самарадан кўра тезкор фойдани афзал кўради. |
| Асосий диққат | Меҳнат, ишлаб чиқариш, таклиф ва товарларнинг объектив қийматига қаратилади. | Талабга эътибор берилади, чеклан-ган ресурсларни самарали ишла-тиш учун қандай тақсимлаш мар-жинал (чегаравий) нафлилик наза-рияси, математик моделлаштириш, талаб ва таклиф мувозанати | Истеъмолчиларнинг "чекланган рационаллиги" ҳақиқий саъй-ҳаракати, танлови, психологик тузоқлар, истиқбол назарияси ва "танлов мезонлари”га диққат қаратилади. |

Танланган мезонлар асосида жадвал маълумотларига диққат қаратсак, уларни қўллаш босқичлари билан биргаликда бир-бирини тўлдиришини ҳам кўришимиз мумкин. Айнан иқтисодий танлов ва қарор қабул қилиш концепцияси бихевиорал (психологик) назариянинг классик ва неоклассик назария билан бир-бирини тўлдириши билан янада бойитилди.

Сўнгги ўн йилликлар давомида олиб борилган тадқиқотлар қарор қабул тахминларнинг камчилиги борлиги, қарорлар кўпинча "интуитив равишда" қабул

қилиниши, одам танловнинг мумкин бўлган афзалликдари ва харажатларини камдан-кам ҳисоблашлари, лекин кўпинча когнитив евристикадан фойдаланиб, тизимли хатоларга йўл қўйишлари аниқланди.

Унинг асосчиларидан бири Г. Саймон бўлиб, у реал ҳаётда инсонлар ва компаниялар, идеаллаштирилган "иқтисодий одам" (homo economicus) дан фарқли ўлароқ, фойдани максималлаштириш учун барча омилларни ҳисоблаб чиқишга қодир эмаслигини исботлади. Унинг фикрича чекланган рационаллик мақсадга йўналтирилганликни истисно этмайди, аксинча, мақсадлар ва уларга эришиш воситалари чекланган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олади [14].

Танлаш ва қарор қабул қилиш бўйича бу мукофотни олишга сазовор бўлган яна бир психолог олим Д. Канеман бўлиб, унинг иқтисодиётга қўшган асосий ҳиссаси — “истиқбол назарияси”ни яратишдир. У таваккалчилик шароитида танлашда одамлар иррационал ҳаракат қилишларини ва кутилган фойдани максималлаштиришга эмас (классик иқтисодиётда шундай ҳисобланган), таваккалчилик шароитида танлашда одамлар иррационал ҳаракат қилишларини ва кутилган фойдани максималлаштиришга эмас (классик иқтисодиётда шундай ҳисобланган), балки эҳтимолий йўқотишлар ва ютуқларни қандай қабул қилишларига қараб иш тутишини исботлади [15].

У ўзининг концепциясида:

1. **Инсонларда борини йўқотиш қўрқуви** (loss aversion) фойда олиш қувончига қараганда юқори (1,5-2 марта) кучлироқ қабул қилиниши;

2. **Эгалик қилиш эффекти** (endowment effect) юқорилиги. Одамлар ўзлари аллақачон эгалик қилаётган нарсани сотиб олишлари мумкин бўлган ўша нарсадан анча қимматроқ баҳолашга мойил бўладилар. Ннсонлар доимо муқаррарликни юқори баҳолайдилар.

3. Канеман **танловни тафаккурнинг икки механизмининг ишлаши:** тез, интуитив ("1-тизим") ва секин, мантиқий ("2-тизим") билан изоҳлайди. "Тизим 2"нинг дангасалиги туфайли одамлар эҳтимолликларни баҳолашда мунтазам хатоларга йўл қўядилар, таваккал қиладилар.

Танлов ва қарор қабул қилишни тадқиқ этиб, иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофоти олган учинчи психолог олим – бу Ричард Талердир [16]. Унинг асосий ҳиссаси иқтисодиётда танловнинг нақадар муҳим рол ўйнаши ва унга психологик омилларнинг таъсир қилиши ва уни ўрганишнинг аҳамиятини ҳамда ўзидан аввал иқтисодиёт бўйича Нобел мукофоти олган психолог олимларнинг тадқиқотларини ҳисобга олиб, иқтисодиётда янги йўналишга ва "танлов архитектураси" концепциясига асос солди. У одамлар харид қилиш ёки молиявий қарорлар қабул қилишда ҳар доим ҳам оқилона танлов қилмасликларини исботлади.

Унинг танловга оид асосий ғоялари:

**1. “Туртки бериш** (Hudge) **назарияси”.** Талер одамларнинг эркинлигини чекламаган ҳолда, уларни қандай қилиб юмшоқлик билан янада тўғри танловга йўналтириш мумкинлигини кўрсатди. Бунга қарор қабул қилиш контексти ёки "архитектураси"ни ўзгартириш орқали эришилади. Давлат ва бизнес одамларга қатъий тақиқларга мурожаат қилмасдан, балки шунчаки муҳитни тўғри ташкил этиш ва сукут бўйича энг афзал вариантни таклиф қилиш орқали тўғри (соғлом ёки молиявий) қарорлар қабул қилишга ёрдам бериши мумкин. Истеъмолчининг норационал танловининг қонуниятларини топиш ва улардан зарур натижага эришиш учун йўл топишда фойдаланиш; одамларнинг хатти-ҳаракатларини, танловини илмий тахмин қилиш, реклама берувчилар томонидан кенг қўлланиладиган **"бепул"** таклифлар ва шу кабиларнинг сеҳрли таъсири қандай ишлашини ўрганиш орқали оқилона танловга эришшишга ўргатади.

**2. Танловда иррационаллик.** Танловда фақат соф мантиқ ва фойдани максималлаштиришгина эмас, балки ҳис-туйғулар, психологик тузоқлар, одатлар ва маълумотларнинг қандай тақдим этилиши ҳам таъсир қилишини исботлади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

**3. Инсонлар топган пуллари ҳисоб-китобини** (ментал[61] ҳисоб) турли категорияларга (иш ҳақи, осонгина топилган пулларга бўлишлари ва шунга кўра сарфлашларини кўрсатди.

**4. Қайтариб бўлмайдиган харажатларни қайтаришга умид боғлаш.** Одамлар истиқболни ҳақиқий баҳолашни эътиборсиз қолдириб, зарар келтирадиган, муваффақиятсиз лойиҳаларга ҳам ресурслар сарфлашни давом эттирадилар чунки аввал унга катта сармоя сарфланган.

Шундай қилиб, танлов ва қарор қабул қилишда нафақат иқтисодий, балки ноиқтисодий омиллар ҳам муҳим роль ўйнашини ҳисобга олишимиз зарур.

**Хулоса**

Ҳаёт ҳар бир инсон айниқса иқтисодчилар, энг аввало тайёрлаётган мутахассисларимиз учун рационал қарор қабул қилиш зарурияти ва унинг инсонларнинг иқтисодий фикрлаш тарзи (ИФТ) билан боғлиқлиги ва унинг мазмун-моҳиятини тушунишнинг нақадар зарурлигини, бунинг учун эса иқтисодий фанларни чуқур ўрганиш лозимлигини кўрсатмоқда. Шундай қилиб, иқтисодий тафаккур тарзи кенг қамровли қарашни талаб қиладиган мураккаб жараён бўлиб, у танқидий, тизимли, ижодий, мантиқий ва когнитив тафаккурни бир ИФТ тушунчасида акс эттиради. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, қарор қабул қилишда танловга турли иқтисодий ва ноиқтисодий омиллар, шу жумладан психологик омиллар таъсир кўрсатади, бу эса афзал кўришни белгилайди ва бу ҳолат умумий тушунча – ИФТ билан ифодаланади.

Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши, рақобатбардошликни таъминлаш муаммоси, бозор субъектлари ўртасида рақобатнинг, иккинчи томондан халқаро миқёсда глобаллашувнинг кучайиши ўз навбатида танлов муаммосини, унинг рационал тарзда амалга ошириш заруриятини долзарблаштиради.

1. Классик назария вакиллари инсонларни иқтисодий фикрлаш тарзидан келиб чиқиб, танлов харажатларини камайтириш, инсонларнинг иқтисодий фикрлашига асосланган ҳолда иқтисодий муносабатларни ўрнатиш, танлов асосида ресурсларни тақсимлаш ва яратилаётган неъматларни таркибини талабга мослаштиришга қаратилган.

2. Неоклассик назария талабга эътибор берилиши билан чекланган ресурсларни самарали ишлатиш учун қандай тақсимлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини маржинал (чегаравий) нафлилик назарияси, математик моделлаштириш, талаб ва таклиф мувозанати орқали танлаш ва қарор қабул қилишга қаратилади.

3. Бихевиоризм – танловга психологик ёндашувга (контекстда қарайдиган) назариялар классик қарашларни йўққа чиқармайди, балки танловни рационал бўлишини таъминлашга ёрдам беради. Бунда фикримизча, муҳими танлов мезонларини тўғри танлаш ва инсонларнинг танловига таъсир этувчи энг муҳим омилларни ҳисобга олиш, рисклар даражасини камайтиришга қаратилган.

4. Америкалик олим, Чикаго бизнес мактаби профессори, 2017-йилги иқтисодиёт бўйича Нобел мукофоти совриндори Ричард Талернинг илмий-оммабоп китоби (The Making of Behavioral Economics) рус тилида “Поведенческая экономика” номи билан 2018 йили нашр этилди. Бизнинг иқтисодчиларимиз уни “Хулқ-атвор иқтисодиёти” деб таржима қилиб, шу ном билан фанни атаб юборишди. Хулқ атвор инсонга, қолаверса тирик жониворга хос, иқтисодиётга эмас. Муҳими унда қарор қабул қилиш, бунинг учун танлов ҳақида гап боради. Буни назарда тутган ҳолда уни “Иқтисодий танловга психологик ёндашув назариялари” ёки “Иқтисодиётда бихевориал назария” ёки “Бихевиориал иқтисодиёт” ёки **"Иқтисодий хулқ-атвор назарияси"** (Theory of Economic Behavior) деб атаган мақбул.

---

[61] "Mental" so‘zi lotincha mens (aql, tafakkur) so‘zidan olingan bo‘lib, bizning aqlimiz, aqliy jarayonlarimiz, ongimiz va idrokimizga tegishli bo‘lgan barcha narsalarni anglatadi. Oddiy qilib aytganda, bu bizning ichki dunyomiz: fikrlar, e’tiqodlar, his-tuyg‘ular va mantiqdir.

Умуман олганда назария, иқтисодий мактаблар келажакда юз фоиз натижага эришишга кафолат бермайди, чунки ҳаёт мураккаб уни олдиндан айтиб бўлмайди. Аммо улар тўғри йўналишни кўрсатиб, вақтимизни жуда тежайди ва бемаъни хатолардан ҳимоя қилади. Ҳар бир назария велосипедни қайтадан ихтиро қилишга умримизни сарфламаслигимиз учун ўзига хос йўл кўрсатади, восита тақдим этади. Нассим Николас Талеб кўрсатганидай, тасодифлар, ноаниқлик, унинг белгиси сифатидаги "қора оққушлар" бўлиши мумкинлиги билан бизни огоҳлантиради.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Хейне Пол. Экономический образ мышления / Пер. с английского. - М.: "Новости", "Catallaxy", 1991. -704 с.

2. Беккер С. Гэри. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории. Пер. с англ. – М.: Изд. дом ГУВШЭ, 2003. – 326 с.

3. Богунов Л.А. Формирование современного экономического мышления в образовании как приоритет национальной экономики // *ISSН 1993-047X. «Актуальные проблемы экономики и права». 2011. № 3. С. 5-9.* https://cyberleninka.ru/article/н/formirovanie-sovremennogo-ekonomicheskogo-myshleniya-v-obrazovanii-kak-prioritet-hatsionalnoy-ekonomiki.

4. Деленян А.А. Формиррование экономического мышления // Вестник Московского университкта. Серия 6. Экономика, 2009. № 3, с.107- 120. https://cyberleninka.ru/article/н/formirovanie-ekonomicheskogo-myshleniya.

5. Канина Н.П. *Формирование экономического мышления в процессе подготовки студентов экономических специальностей.// Вестник №2* https://vestnik-mgou.ru/Articles/Doc/2093; https://cyberleninka.ru/article/н/formirovanie-sovremennogo-ekonomicheskogo-myshleniya-v-obrazovanii-kak-prioritet-hatsionalnoy-ekonomiki/viewer

6. Уварова Ж.А. Формирование экономического мышления как средство социализации личности//Вестник университета 2014, № 9. -С. 167-171. https://cyberleninka.ru/article/н/formirovanie-ekonomicheskogo-myshleniya-kak-sredstvo-sotsializatsii-lichnosti/viewer

7. Третьяк Г Е, Гуремина Н В, Цыпленкова М В, Султанова А А, Лаптёнок А Н. 2.1. Экономическое мышление как главный аспект формирования личности предпринимателя // https://monographies.ru/ru/book/section?id=7362

8. Веблен Т. Теория праздного класса. -М.: Прогресс, 1984. – 367 с.

9. Шмаков А.В. Экономические представления о человеческом поведении. Как повлиять на выбор, нужно ли учиться рисовать, чтобы стать художником, и сможет ли «буба» изменить экономическую науку? // *Terra Economicus*, 2015, т.13, № 4, с. 96–131.

10. Шмаков А.В. 1 лекция. Зкономика - наука о выборе. С кем пойти в клуб, как продать цыпленка и можно ли стать богаче не увеличивая доходы || Terra Economicus 2014, том 12, №2. -С.120- 131. https://cyberleninка.ru/article/н/ekonomika-hauka-o-vybore-s-kem-poyti-v-klub-kak-prodat-tsyplenka-i-mozhno-li-stat-bogache-не-uvelichivaya-dohody

11. Шмаков А.В. 2 лекция *Необходимость экономического выбора. Почему сведения о зарплате скрывают, люди готовы работать «За спасибо», а червяки не любят клубнику?* || Terra Economicus 2014, том 12, №3. -С.195-203. https://cyberleninka.ru/article/н/неobhodimost-ekonomicheskogo-vybora-pochemu-svedeniya-o-zarplate-skryvayut-lyudi-gotovy-rabotat-za-spasibo-a-chervyaki-не-lyubyat

12. Тожибоева Д. Иқтисодий хулқ-атворнинг психологик ва педагогик асослари ва инсон мотивациясини асословчи назариялар. Замонавий таълим. Т., №1, 2014, 31-37-бетлар.

13. Vasconcelos P. H., Zambroni de Souza A. C. A Problem-Based Іntroduction to Technical, Social, and Systemic Thinkіng іn Engіneerіng Courses // IEEE Access. – 2022. – Vol. 10. – P. 73521–73532. DOI: https://doi.org/10.1109/ACCESS. 2022. 3189654

14. Герберт А. Саймон: Рациональность как процесс и продукт мышления.\ Herbert A. Simon. Rationality as Process and as Product of Thought. Richard T. Ely Lecture // American Economic Review, May 1978, v.68, но.2, p.1–16.
*Саймон Г. А.* Теория принятия решений в экономической теории и науке о поведении // Теория фирмы / под ред. В. Л. Гальперина. СПб.: Экономическая школа, 1995.

15. Даниэль Канеман. Думай медленно… решай быстро АСТ; Москва; 2014 ISBH 978-5-17-080053-7. -337 с;

16. Талер Ричард. Новая поведенческая экономика. / Изд.: М.: Бомбора, 2018. -368 с. Талер Р., Санстейн К. Hudge. Архитектура выбора. Как улучшить наши решения о здоровье, благосостоянии и счастье. М., 2017.- С.30.